

САХАЛИН ТОМОНЛАРДА...

15:44 / 28.04.2017 4485

"Бугунги кун" рукни остида яқин кунлар ичида бўлиб ўтган бир воқеани келтириб ўтамиз. Бу иймон аҳлига ўз йўлида янада собитқадам бўлиш учун етарли турки бўлади. Ҳали иймон лаззатидан баҳра олмаганлар эса ушбу воқелик сабабли ҳидоят йўлига кирсалар ҳам ажаб эмас. Такдирнинг тақозоси ила мусулмон бир йигит Узоқ Шарқнинг Сахалин ўлкаларида қамоқ жазосини ўтарди...Шароит оғир, совуқ, унинг устига санаторий эмас бу ер... Лекин йигит тақводор, Аллоҳдан қўрққан инсон эди ва намоз банда зиммасида то ўлимгача эканини яхши биларди. "Ҳижр" сурасининг 99-оятини такрорлаб турар экан: "(Шунингдек), то Сизга аниқ нарса (яъни, ўлим соати) келгунича Парвардигорингизга ибодат қилинг!"Шунинг учун қийин шароитга қарамасдан, намозни ўз вақтида адо этишга тиришарди. Уни тоат-ибодатда собитлигини кўрган атрофидаги кўринишлари инсон, қалблари эса ҳайвон сифат бўлганлар унинг бу ибодатини хуш кўришмасди. Уни намоз ўқитмасликка ҳаракат қилишарди. Намоз ўқиётган пайтида келиб қолишса, устидан мазах қилиб кулишар, турткилаб ўтишарди. Бўлаётган қаршиликларга карамай, йигит ибодатни тарк этмас, Аллоҳга итоатни қийин кўрмасди. Лекин бу худосизларнинг унга сари баттар жазавалари қўзир, душманликлари янада ортарди. Кундан-кунга уни хўрлашлар, қийнашлар ортиб борарди.

"Сиз Парвардигорингизни ҳукмига (яъни, мушрикларни дархол азобга дучор қилинмаганига ва Сизни турли машаққатли синовлар билан имтиҳон қилишига) сабр қилинг. Зотан, Сиз шак-шубҳасиз, Бизнинг кўз ўнгимизда (яъни, хифзу-ҳимоямизда)дирсиз" (Тур,48).

Иш шу даражага бориб етдики, кунлардан бирида бир нечта нокаслар уни биргина ички кийимда, ташқарида, Сибирнинг аёзли аччиқ совуғи билан юзма-юз қолдиришди. "Қани сенинг Аллоҳинг бўлса, сени бир сақлаб олсин-чи!!!" Изғирин совуқ, деярли кийимсиз, очиқ хавода... Олдинда хали янада совуғи кучаядиган қаро тун... Ўлим билан яккама-якка.... Тонг отди.... Эрталаб қамоқхона бўйлаб бир хабар яшин тезлигида тарқалди....Нима эмиш, "Кечаси, қўриқчиликда турган икки аскар совуқдан қотиб ўлиб қолибди..." Унинг кетидан сал ўтиб, яна бир хабар аввалгисидан тезроқ тарқалди. "Тонгда бир махбус биттагина ички кийимда қамоқхона маъмуриятига кириб келибди..." Субҳаналлоҳ!!!

Энди келинлар, тунда нима воқеа бўлганини йигитнинг ўзи ҳикоя қилиб берсин: "... Шу алфозда, биргина кийимда хайдаб чиқаришди. Ҳар қандай қалин кийимда ҳам дош бериш маҳол бўлган совуқ. У ёққа юрдим, бу ёққа юрдим, ҳеч қандай паноҳ топгулик ўрин йўқ... Нажотдан умидим узилиб, охири тақдирга тан бердим. Сўнгги имконим, Роббимга дуо қила бошладим...

"Эй Роббим! Берган умрингга розиман. Мендан рози бўлгин... Мендан ўтган камчиликларимни, гуноҳу-хатоларимни мағфират этгин. Жонимни мусулмон холимда, иймон калимаси ила олгин, Ўзингни раҳматинг ила буркагин..."

Совуқ борган сари танимни чулгай бошлади... Титрай бошладим... Аъзои баданим қақшарди... Тилим дуо қилишга ҳам айланмай қолди... Ўлимимни кута бошладим... Кўзларим аста-секин юмила бошлади... Бир вақт танимга бир нарса текканини ҳис қилдим... Нима экан??! Жунли бир нарса... Кўзимни минг уриниб, аранг очиб қарадим... Каттакон қутб айиғи... Улкан, баҳайбат, важоҳатли... Энди менга ташланади, танамни бурдалай бошлайди дея, қимирлашдан ҳам ожиз ҳолимда ётибман... Лекин, негадир айиқ шошилмасди... Бир вақт махлуқ аста-секин мени ўз қучоғига олди... Танамни айиқнинг иссиқ танаси кўрпа мисол ёпиб олди.... Баданимда иссиқ хароратни ҳис қила бошладим... Бир неча соатдан бери давом этиб келаётган совуқнинг аламидан сўнг, озгина ҳаловатни ҳис қилиб, кўзим секин уйқуга кетди.... Кўзимни очсам, ҳамма ёқ ёп-ёруғ, тонг отган, ёлғиз ўзим ялангликда ётибман. Оқ айиқ эса ғойиб бўлганди..."